

Мил. авв. III асрнинг ўрталарида мустакил давлат сифатида ташкил топган Парфия давлати ҳозирги Туркменистон ва Эроннинг бир қисмини ўз ичига олган. Бу давлатнинг биринчи ҳукмдори Аршак бўлиб, у мил. авв. 247 йили тахтга ўтиради. Мил. авв. 235 йилдан бошлаб, Парфия подшолари ўз ерлари ҳудудларини кенгайтириб бордилар. Милодий III асрнинг биринчи чорагида сосонийлар аршакийлар ҳукмронлигини тугатиб, Парфияда ҳокимиятни қўлга олдилар. Антик давр Парфия-нинг кишлок ҳўжалигида куллар меҳнатидан кенг фойдаланилган. Мил. авв. III аср ўрталаридан бошлаб Парфия давлати ҳозирги Ўзбекистон ҳудудларида жойлашган қадимги вилоятлар – Хоразм, Бактрия, Сўғдиёна билан сиёсий, маданий ва иқтисодий муносабатларни айнама ривожлантирди.

Ундан ташқари, парфияликлар беш аср давомида Хиндистон, Ўрта Осиё ва Хитой-нинг қарб мамлакатлари билан қилган савдо алоқаларида воситачилик қилдилар.

Парфияликларнинг ёзуви оромий (Нисо ҳужжатлари) ёзуви бўлиб, қардўштийлик ди-нига эътиқод қилишган.

Қадимги Фарғона турли давр манбаларида Довон, Бохан, Полон, Парқана қабилалар билан эслатиб ўтилади. Маълумотларга қараганда Эрши (Марҳамат) шаҳри Довоннинг пойтахти эди. Антик давр Довон аҳолиси деҳқончилик, узумчилик, йилкичилик билан шугулланишган. Довоннинг «самовий отлари» ўлкадан ташқарида ҳам маълум ва машҳур бўлган.

Мил. авв. II асрнинг охирида Хитой ҳукмдорлари Довон ерларини босиб олишга ҳаракат қилдилар. Аммо қўшни давлатлар томонидан қўллаб-қувватланган доvon-ликлар ўз мустақиллигини сақлаб қолишга муваффақ бўлдилар.

Мил. авв. III асрлар бошларида пайдо бўлган Қанг давлатининг ҳудудлари Сирдарёнинг ўрта оқимидаги ерлар эди. Мил. авв. II-I асрларда Қанг давлати ерлари кенгайиб, Амударё ва Сирдарё оралигидаги ерлар ва Хоразмни ўз ичига олади. Антик даврида Қанг давлати анча ривожланган давлат эди. Ўтроқ аҳоли асосан водийларда яшаб, деҳқончилик, боғдорчилик ва ҳунармандчилик билан шугулланиб қелишган. Қанг ҳукмдорларининг марказий шаҳарлари иккита эди. Улар ёзни Ўтрорда (ҳоз. Арис ва Туркистон оралигида), қишлоғи эса Қанга (ҳоз. Тошкент вилояти Оққўрган туманида) шаҳарларида ўтказар эдилар.

Мил. авв. I асрга қелиб, Ўрта Осиё ҳудудларида антик даврнинг энг қудратли давлатларидан бири бўлган Қушон давлати ташкил топади. Қастлабқи ҳукмдорлар Қад-физ I ва Қадфиз II лар давлат ерларини кенгайтириб, пул ислохоти ўтказдилар. Милодий II асрга қелиб Қушон давлати ерлари Шимолий Хиндистон, Афғонистон, Ўрта Осиё, Шарқий Туркистондан иборат эди. Қушон ҳукмдорлари, ҳусусан Қанишка (II аср) даврида савдо-сотиқ, ички ва ташқи савдо айнама ривожланади. Деҳқончилик, қорвачилик, ҳунармандчилик ҳам анча таралган эди. Бу қараёнда Буюк Ипақ йўлининг аҳолиси нисбатан катта бўлди. Қушон давлатида асосий дин буддавийлик бўлиб, юнон, қардўштийлик ақидаларига ҳам эътиқод қилинар эди.

Антик давр Ўрта Осиё халқлари моддий ва маънавий маданиятида қудратли ўзгаришлар содир бўлди. Мил. авв. IV-II асрлар оромий ёзуви асосида Хоразм, Парфия ва Сўғд ёзувлари пайдо бўлди. Қушон даврига қелиб яна бир ёзув-Қушон (Бактрия) ёзуви шаклланади. Ўрта Осиё ва Афғонистон ҳудудидаги археологик тадқиқотлар антик давр маданиятининг қўллаб-қувватлаганидан қайсидир даражада. Айри-айри ва Қўхна Термизда Будда

ибодатхоналари очилган. Фаёзтепа, Кува, Холчаён, Далварзин каби кўхна шаҳарларда ҳам саройлар, ибодатхоналар очилиб, улар юксак маданиятга эга эканлиги кузатилган. 1972 йилда Далварзинтепадан (Сурхондарё) тилла буюмлар хазинаси (32 кг) топилган. Бу хазина орасида антик даврга оид билагузук, халкалар, тўгалар, бўйин такинчоклари каби санъат буюмлари ҳам бор. Уму-ан, антик давр Канг, Сўгд, Фаргона ерларида мавжуд бўлган маданият ўз тараккиётининг янги боскичига кўтарилади.